



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2024  
2/1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**  
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир  
ўринбосари:**  
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**  
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**  
и.ф.д. Ф.А.Сафаров  
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

**Техник муҳаррир:**  
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**  
PhD С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**  
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Тахририят манзили:**  
140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,  
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53  
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институти ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти в.б., DSc

**МУНДАРИЖА :**

<b>НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ</b>	
<b>Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> “Хизмат” тушунчасининг иқтисодий кагегория сифатида назарий таҳлили	5
<b>Ибодулла Ҳасанович Ибрагимов, Рустам Алижонович Мусабоев</b> Истеъмолчилик хулқининг трансформацион хусусиятлари	11
<b>Аскар Хайдарович Джумаев</b> Жаҳон хўжалигида иқтисодий тизимларнинг қиёсланишининг услубий жиҳатлари	16
<b>Shahobiddin Ziyadullayevich O‘rozov</b> Amir Temur ijtimoiy faoliyatida ratsionallik yondashuvi	20
<b>Lola Nazarovna Xalikova</b> Ijtimoiy himoyalashga oid nazariy qarashlar	24
<b>РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ</b>	
<b>Боҳодир Ибрагимович Исроилов, Бобуршоҳ Боҳодир ўғли Ибрагимов</b> Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ ҳуқуқбузарликларини таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари	28
<b>Қулмамат Джонузоқович Мирзаев, Гиёс Турабекович Юлдашев</b> Республикамизда деҳқончиликни инновацион асосда ривожлантиришни асосий тараққиёт тенденциялари	32
<b>Жунайдулло Садиевич Файзиев</b> Умумий овқатланиш корхоналарини дастурий – аппарат комплексларидан фойдаланиб автоматлаштириш	37
<b>САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Раҳматулла Хидирович Эргашев</b> Мева-сабзавотчилик маҳсулотлари кооперацияси ва унинг самарадорлигини ошириш	42
<b>ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС</b>	
<b>Зариф Юсупович Аминов</b> Инсон иқтисодий хавфсизлигига ишчи кучи сифатининг таъсири	49
<b>Zubayda Ubaydullayevna Shodmanova</b> Xizmat ko‘rsatish sohasidagi korxonalarining iqtisodiy xavfsizligini ta’minlashdagi kamchilik va muammolar	53
<b>Bekjon Shukurillayevich Musayev</b> Oliy ta’lim xizmatlarini raqamli texnologiyalar asosida targ‘ib qilishning uslubiy asoslari	57
<b>Sadoqat Qudratovna Bultakova</b> Xizmat ko‘rsatish sohasi va uning O‘zbekistonda o‘shish dinamikasi	63
<b>Luiza Komilovna Haydarova</b> Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsiyalarni tatbiq etish zaruriyati va omillarini tahlili	67
<b>ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Akram Abduraxmonovich Azizqulov</b> Xatirchi tumanida ziyorat turizmini rivojlantirish imkoniyatlari	74

4. Исроилов Б.И., Ибрагимов Б.Б. Иқтисодий хавфсизлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичларни аниқлаш масаллари // Ўзбекистон миллий ахборот Агентлиги – ЎЗА Илм-Фан Бўлими (Электрон журнал). 2021, октябрь.
5. Ибрагимов Б.Б. Иқтисодий рақамлаштириш шароитида солиқ мажбуриятини белгилашни такомиллаштириш // Сервис, 2021, №3, 151-154 б.
6. Ибрагимов Б.Б. Солиқлар ҳисобининг солиқ маъмурчилигини ташкил этишдаги роли. //Сервис, 2022, №2, 170-174 б.
7. Ибрагимов Б.Б. Солиқ маъмуриятчилиги ва уни давлат томонидан тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти // Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журналы, 2022, Махсус сон, 93-94 б.
8. Демин А.В. Повышение налоговой культуры – важнейший компонент перехода к «партнерской» модели налогового администрирования.// Материалы VIII Международной научно-практической конференции «Актуальные направления научных исследований: от теории к практике».Т.2- Чебоксары: ЦНС «Интерактив плюс», 2016.– № 2 (8). –С. 271–275.
9. Радченко С.Д. Злоупотребление правом в налоговых отношениях. //Юрист. 2005. № 10.– С. 23.
- 10.Исроилов Б.И. “Соҳибқироннинг солиқ сиёсати”. Янги Ўзбекистон. /№ 69 (1130), 2024 йил 6 апрель.
- 11.Амир Темур “Temur tuzuklari”, Т.: O‘zbekiston, 2011-у. 143 б.
- 12.Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слово мудрым. Разное о деньгах. – М: Ось-89, 1997.– С. 346.
- 13.Пономарев А.И., Игнатова Т.В., Богатырев М.А. Налоги и налоговое администрирование в Российской Федерации. – М., 2011. – С. 548.
- 14.Хоббес Т. (Thomas Hobbes). Философские рудименты, касающиеся правительства и общества. 1651, Источник:<https://biographe.ru/uchenie/thomas-hobbes>.

<p><b>Б.Исроилов, Б.Ибрагимов</b></p> <p><b>Особенности классификации налоговых правонарушений в условиях цифровой экономики</b></p> <p><b>Аннотация:</b> одним из способов предотвращения и устранения социального риска нарушения налоговой дисциплины является определение видов налоговых правонарушений и установление неотвратимости наказания за них. В статье авторы исследовали налоговые правонарушения и их классификацию, ее особенности, а также вопросы совершенствования уголовно-исполнительной системы.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> налог, налоговое законодательство, валовой внутренний продукт, доходы бюджета, налоговая дисциплина, налоговое правонарушение, наказание, неотвратимость наказания.</p>	<p><b>B.Isroilov, B.Ibragimov</b></p> <p><b>Features of the classification of tax offense in the digital economy</b></p> <p><b>Abstract:</b> one of the ways to prevent and eliminate the social risk of violation of tax discipline is to define the types of tax offenses and establish the inevitability of punishment for it. In the article, the authors studied tax offenses and their classification, its specific aspects, and issues of improving the penal system.</p> <p><b>Keywords:</b> tax, tax legislation, gross domestic product, budget revenues, tax discipline, tax offense, punishment, inevitability of punishment.</p>
--	---

Қулмамат Джонузоқович Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.,

Ғиёс Турабекович Юлдашев – ТДИУ Самарқанд филиали мустақил тадқиқотчиси.

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ ИННОВАЦИОН АСОСДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ АСОСИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Аннотация:** мазкур мақолада Республикамизда деҳқончиликни инновацион асосда шакллантириш асосида ўсиб бораётган янги бозор эҳтиёжларига мос маҳсулотларни қайта ишлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этиш асосида муаммоларни ҳал қилиш, ҳамда ошаётган давлат талабини самарали қондиришда муҳим вазифа сифатида соҳани ривожлантириш зарурияти асосланган.

**Калит сўзлар:** инновацион технологиялар, деҳқончилик, ғаллачилик, экстенсив, интенсив, сабзавотчилик, узумчилик, картошкачилик, тамагирчилик.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқончилик асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Унинг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган жами ялпи маҳсулотдаги салмоғи агар 1998-2001 йилларда 80-90 фоизни, товар маҳсулоти таркибидаги салмоғи эса 80-82 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич мос равишда 2020-2022 йилларга келиб, 70-75%, 65-70%ни ташкил этган. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳа таркибига: дон экинлари (ғаллачилик, шолчилик); техника экинлари (пахтачилик, канопчилик, тамакичилик, лавлагичилик); картошкачилик; сабзавотчилик (бодринг, помидорчилик); полизчилик (қовунчилик, тарвузчилик); боғдорчилик (узумчилик, ўрикчилик, олмачилик) ва бошқа шу қабиларни ўз ичига олади. Мазкур тармоқларда етиштирилган деҳқончилик маҳсулоти бир томондан аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондирса, иккинчи томондан, ушбу маҳсулотлар қайта ишлаш саноати тармоқлари учун хомашё ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Жаҳон қишлоқ хўжалигида сўнгги ўн йилликда инновацион деҳқончилик фаол ривожланиши кузатилмоқда. Бу борада кўплаб мутахассислар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида деҳқончиликни шакллантириш механизми, соҳа ва тармоқларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда деҳқончиликда инновацион асосда маҳсулот ишлаб чиқариш ва ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари кўриб чиқилмоқда. Деҳқончиликда инновацион жараёнларни ривожлантириш масалалари билан хорижлик агроиқтисодчи олимлардан Н.Адем, Peter H.Jerie, Larry Harper, Dr. William Kurtz, Х.М.Назранов З.З. Чемазокова, Л.Х.Салваридзе, О.А.Наконечная каби олимлар тадқиқот олиб боришган. Республикамиз қишлоқ хўжалигида мева-сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш кооперация муносабатлари интенсив боғдорчиликни иқтисодий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ечимлар Ў.Умурзаков, Н.Хушматов, О.Жумаев, Х.Хушвақтова, Ш.Муродов, С.Эшматов каби қатор аграр иқтисодчи олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида билиш назариясининг индукция ва дедукция, мантикий ёндошув, замон ва макон, қиёсий таҳлил каби усулларидадан фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Деҳқончилик тармоғида пахта, ғалла етиштириладиган пахтачилик ғаллачилик стратегик аҳамиятига эга маҳсулот ҳисобланиб, улар республикадаги йирик ва муҳим ҳисобланган “Ўздонмаҳсулот”, пахта тозалаш саноати, тўқимачилик ва енгил, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини хомашё билан таъминлайди, ишчи – хизматчиларга иш жойлари яратиб, даромад билан таъминлаш имкониятини яратади.

Айниса, республика аҳолисининг ўсиш суръати 2,5 фоиздан юқорини ташкил этаётган ҳозирги шароитда, ўсимликчилик ва озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ўсиб бораётган талабларни ички имкониятлар ҳисобига тўлиқ қондириш, ҳамда шу билан бирга айниқса, картошка, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, мазкур маҳсулотлар экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирларга устуворлик берилиши мамлакат озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш имкониятини яратишда муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этади. Шундай экан, республикада деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадвал ривожлантириш, фақатгина қишлоқ хўжалигини инновацион асосда ривожлантириш ҳисобига эришиш мумкин. Жумладан, инновацион иқтисодиёт шароитида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. (1-жадвал)

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, 2021 йилда 2015 йилга нисбатан мамлакат ЯИМ миқдори 3,8 марта ошган бўлса, қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот 4,7 марта ошганлиги ёки мамлакат ЯИМ га нисбатан ўсиш тезлиги 0,9 мартага кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Республикада қишлоқ хўжалиги деҳқончилигининг фаолияти кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йиллар				2021 йил 2015 йилга нисбатан, +,-
	2015	2019	2020	2021	
Мамлакат ЯИМ, млрд.сўм	190036,2	529391,4	602193,0	734587,7	386,5
Ш.ж.: ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, млрд. сўм	64680,3	216283,1	250250,6	303415,5	469,1
Унинг мамлакат ЯИМ даги улуши, %	34,1	26,9	27,1	26,9	-7,2 пункт
Жами деҳқончилик маҳсулотларида деҳқон хўжаликларининг улуши, %	46,2	46,8	42,3	40,0	-6,2 пункт

Аммо 2021 йилда ЯИМ да қишлоқ хўжалиги ЯМ ни улуши 34,1 % бўлса, 2021 йилда бироз камайиб 26,9% ни ташкил этган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Республикада деҳқончилик экин турлари ва уларга экин майдондаги салмоғи ўрганилганда 2021 йилда донли экинлар энг юқори салмоғини (47,8%), техника экинлари (37,5%), картошка, сабзавот экинлари 7,7% ни ташкил этган. (2-жадвал)

2-жадвал

Республикада қишлоқ хўжалиги деҳқончилигини инновацион асосда ривожлантиришда экин турлари ҳосилдорлигининг ўзгариши (ц/га)

Экин турлари	Йиллар						2021 й.фоизда	
	2005	2010	2015	2019	2020	2021	2005 й.га	2016 й.га
<b>Барча мулк шаклидаги хўжаликларда</b>								
Пахта	25,3	25,4	26,5	25,6	29,0	30,7	121,3	115,8
Буғдой	41,5	45,9	48,2	46,3	45,4	46,1	111,1	95,6
Картошка	170,3	194,9	219,1	227,3	213,4	201,7	118,4	92,1
Сабзавот	215,8	252,5	271,0	235,6	234,4	236,0	109,4	87,1
Полиз	169,1	193,6	203,6	180,4	168,3	176,2	104,2	86,5
Мева	62,3	92,6	128,1	120,4	110,8	117,2	188,1	91,5
Узум	64,7	90,8	133,1	153,5	152,0	154,7	239,1	116,2
<b>Фермер хўжаликлари</b>								
Пахта	24,2	25,9	25,7	25,6	29,1	29,8	123,1	116,0
Буғдой	39,7	44,7	47,0	47,3	47,3	48,9	123,2	104,0
Картошка	132,5	152,2	201,0	168,2	178,5	166,6	125,7	82,9
Сабзавот	181,6	239,8	261,7	200,5	207,6	205,7	113,3	78,6
Полиз	134,0	178,3	192,0	134,1	140,0	144,9	108,1	75,5
Мева	50,5	76,2	99,0	89,4	89,6	101,0	200,0	102,0
Узум	51	79,7	108,3	111,9	108,2	116,6	228,6	107,7

Республикада мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ва унинг алоҳида олинган асосий тармоқларини ривожлантириш борасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори ва доимий равишда ўсиши таъминланади. Статистик таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотларида қишлоқ хўжалигининг улуши 30,1 % ни ташкил этгани ҳолда 2011 йилда бу кўрсаткич 17,1 % дан иборат бўлган, 2021 йилда эса 28,0 % ни ташкил этган. 2022

йиллар-2000 йилга нисбатан дон етиштириш 2,7 баробарга, сабзавот 2,9 баробар ошди. Шу билан бирга мамлакатимиз бўйича бу даврда асосий деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлигини оширишга эришилди, жумладан, пахта ҳосилдорлиги 1990 йилда 22,6 ц/га дан, 2021 йилда 30,7 ц/га га, дон экинлари мос равишда 20,2 ц/га дан 40,1 ц/га, картошка 80,0 ц/га дан 201,7 ц/га, сабзавотлар 192,0 ц/га дан 236,0 ц/га ошганлигини кўришимиз мумкин.


Агар соҳада амалга оширилган бундай ислохотларнинг самараси сифатида республикаимиз бўйича 2021 йилда 7,6 млн тонна ғалла, 3,1 млн.тонна пахта, 8,2 млн.тонна сабзавот ва полиз, 3 млн тонна боғдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди.

Бугунги кунда аграр соҳасини кейинги тараққиёти тармоқлар ичида етакчи мавқега эга бўлган деҳқончилик тармоғида экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришни тақозо этади.

Республикаимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда”. Алоҳида эътироф этиш ўринлики, “... 2022 йилда Ўзбекистон деярли барча қишлоқ хўжалиги экинлари – ғалла, пахта, сабзавот полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион тоннадан ортиқ пахта ва 8 миллион 300 минг тонна ғалла йиғиштириб олинди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Республикаимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, пахта ва дон майдонларини камайтириш чора-тадбирлари амалга оширилиб, уларнинг ҳисобига бошқа экин майдонлари кўпайтирилган. Натижада сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга эришилган. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш жоизки, озуқа экин майдонлари шу даврда қисқариш тенденцияси сақланиб қолган. Асосий эътибор қишлоқ хўжалигида озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларига қаратилди.

Ўза экин майдонлари қисқартирилиб, бу майдонлар ҳисобига сабзавот, полиз, боғ ва узумзорлар майдони кенгайтирилди. Шу билан бирга, фермер хўжалиklarининг ер майдонларини аввал фойдаланилмаётган лалми ерлар ҳисобига кўпайтириш ишлари амалга оширилди. (1-расм).



1-расм. Фермер хўжаликлари ер майдонларини ўзгариши

**Хулоса ва таклифлар.** Тадқиқотимизда келтириб ўтилган ишлар натижасида келажақда юртимизда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган тиббий меъёрларга нисбатан 2-3 маротаба кўп миқдорда мева, сабзавот ва узум етиштирилиши кутилмоқда. Сўнгги йилларда республикада қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланмаслик, улар тармоқ ичида ва тармоқлараро тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг самарасизлиги, ерларни ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун иқтисодий ва технологик асосланмасдан бериб юборилиши ва энг ачинарлилиси ерлар унумдорлигининг пасайиши ҳолатлари кузатилмоқда. Шунинг учун ҳам, мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ислоҳ қилиш ва модернизациялаш шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш ва унинг механизмларини такомиллаштириш нафақат қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, фермер хўжалиги ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, балки маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, республикада озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги энг муҳим устувор вазифалардан бирига айланмоқда.

Соҳага замонавий инновацион технологияларни жорий этиш асосида муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги таклифларни бажариш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ерлардан оқилона фойдаланиш ва самарали фойдаланишни амалга ошириш учун соҳани юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш ва улар малакасини доимий равишда ошириб борилишини таъминлаш;

- экин ерларининг унумдорлигини тиклаш ва қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

- суғориладиган ерларнинг чўлланиш, эрозия, шўрланиш, тупроқ унумдор қатламининг ўта ночор ҳолга келиши, гумус ва озукта моддалари миқдорининг камайиши, ҳайдалма ва ҳайдов ости қатламларининг зичланиши ҳамда технологик ифлосланиш жараёнларининг олдини олишга йўналтирилган мажмуавий масалаларни мунтазам равишда ҳал этиб бориш.

Ўзбекистон индустриал аграр мамлакат бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17 %ини ишлаб чиқаради ва меҳнатга яроқли аҳолининг 34 %ини иш билан таъминлайди. Бугун 16 миллиондан ортиқ қишлоқ аҳолисининг даромадлари деҳқончилик билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 %и суғорма деҳқончилик ҳисобига тўғри келади. Бугунги кунда Ўзбекистонда суғориладиган ерлар майдони 4,3 млн.га бўлиб, уларнинг 55 %и (2,3 млн.га) насослар ёрдамида сув билан таъминланади. Бу эса суғориш сувининг таннархини янада оширади. Мавжуд шароитларда фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш, республикада озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш энг муҳим устувор вазифамиздан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон шароитида деҳқончиликда кам сувли йиллар тез-тез такрорланиб турганлиги сабабли, инновацион тараққиётда сув тежамкорлиги муаммони ҳал этишнинг асосий ва реал йўлларида энг мақбули ҳисобланади ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг жорий этиш сувдан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Муртазаев О., Ахроров Ф. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: Самарқанд Идеал полиграф, 2020. 529 б.

2. Эргашев Р.Х., Файзиева Ш.Ш., Хамраева С.Н. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти: Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2018. – 404 б.

3. Салимов Б.Т. ва бошқалар. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004. – 176 б.

4. Бозоров М. ва бошқ. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасининг ривожланиши ва ихтисослашуви. Суррент апроачес анд нев ресеарч ин модерн ссиэнсэс 1.6, 2022. 27-36 б.

5. Аликулов С.А. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маркетинги. Ўқув қўлланма. – Самарқанд: 2022. – 238 б.

<p><b>К.Мирзаев, Г.Юлдашев</b>  <b>Основные тенденции инновационного развития дехканства в нашей республике</b></p>	<p><b>K.Mirzaev, G.Yuldashev</b>  <b>The main development tendencies of innovative development of agriculture in our republic</b></p>
<p><b>Аннотация:</b> в данной статье обоснована необходимость развития отрасли как важной задачи эффективного удовлетворения растущего государственного спроса, переработки продукции, пригодной для нужд растущего нового рынка на основе формирования сельского хозяйства в нашей республике на инновационной основе, решать задачи на основе внедрения современных инновационных технологий в сфере снабжения потребителей.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> инновационные техно-логии, земледелие, зерноводство, экстенсивный, интенсивный, овощеводство, виногра-дарство, картофелеводство, табаководство.</p>	<p><b>Abstract:</b> this article substantiates the need to develop the industry as an important task to effectively meet growing government demand, process products suitable for the needs of a growing new market based on the formation of agriculture in our republic on an innovative basis, and solve problems based on the introduction of modern innovative technologies in the field of supplying consumers.</p> <p><b>Keywords:</b> innovative technologies, farming, grain growing, extensive, intensive, vegetable growing, grape growing, potato growing, tobacco growing.</p>

**Жунайдулло Садиевич Файзиев** – СамИСИ доценти, т.ф.н.

**УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИ ДАСТУРИЙ – АППАРАТ КОМПЛЕКСЛАРИДАН ФойДАЛАНИБ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

<p><b>Аннотация:</b> мақолада R-Кеерг дастурий - аппарат комплексларини вазибалари, асосий афзалликлари, хусусиятлари ва модулли тузилиши таҳлил қилинган. Алоҳида эътибор тизим модуллари имкониятларини ёритишга қаратилган.</p> <p><b>Калит сўзлар:</b> дастурий таъминот, дастурий - аппарат комплекси, дастурий модуллар, илова, версия, тизим, дастурий ечим, булутли ечим, тариф, тизим ядроси.</p>
--

**Кириш.** Умумий овқатланиш корхоналарида миждозларни жалб этиш, уларга юкори даражадаги сервис, хизмат ва маҳсулотлар сифатини тақдим этиш долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал этиш йўлларида бири умумий овқатланиш корхоналарини дастурий – аппарат комплексларидан фойдаланиб автоматлаштириш ҳисобланади. Умумий овқатланиш корхоналарини автоматлаштириш дастурлари персонал ишини енгиллаштириш, даромадларни ошириш, умуман ишчи – хизматчилар ва компаниянинг иш самарадорлигини ошириш имконини беради. Эндиликда мунтазам ишларга кўп вақт сарфлашни зарурияти йўқ. Корхонани муваффақиятли ишлаши учун барча заруриятлар автоматлаштиришнинг дастурий – аппарат комплекслари каби ягона ечимда мужассамлашган. Умумий овқатланишни автоматлаштиришнинг тайёр комплекслари маълум дастурлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб бозорда тақдим этилган энг машҳур ва самарали тизимлар ўртасидан СБИС Престо, iiko, R-Keeper, Контур Маркет ва АТОЛ Сигма кассасидаги атол еда дастурларини кўрсатиш мумкин[1]. Мазкур ишда R-Кеерг дастурий - аппарат комплексларини имкониятлари таҳлил қилинади.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** R-Кеерг UCS компаниясининг савдо белгиси бўлиб, унинг остида биринчи навбатда ресторанларни комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган дастурий таъминот, дастурий - аппарат комплекслари сотилади[2]. R-Кеерг 1992 йилдан бери Россиянинг UCS компанияси томонидан ишлаб чиқилади. 2021 йилни март ойида R-Кеерг 7 версияси энг долзарб ҳисобланган. Тизимнинг олдинги R-Кеерг v6 версияси ҳам кенг тарқалган. Таъкидлаш жоизки, 2007 йилда R-Кеерг ресторанларни автоматлаштириш бозорининг 34 фоизини эгаллаб, 9500 дан ортиқ ресторанларни автоматлаштирган[3]. 2009 йилнинг апрел ойига келиб 15 минг ресторан автоматлаштирилган эди[4]. Ишлаб чиқарувчининг маълумотларига кўра, 2011 йилни ёзи ҳолатига кўра, R-Кеерг дунёнинг 30 та мамлакатидаги 20 мингдан ортиқ ресторан, кафе, тез овқатланиш ресторанларида[5][6], клублар ва кўнгилочар марказларида ўрнатилган, 2021 йилни бошидаги маълумотларга кўра, R-Кеерг дунёнинг 53 мамлакатидаги 65 мингдан ортиқ ресторанларда қўлланилади. 2016 йил май ойининг охирига келиб, R-

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.